



**БЎЛАЖАК ХОРЕОГРАФЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ**

Мадрахимова Гулмира Ўлмасжонова
ЎЗДХА катта ўқитувчиси, доцент

Анотация; *Ушбу мақолада бўлажак хореографларда касбий компетентликни шакллантириш ва унинг самарадорлик даражасини баҳолашга оид назарий ва амалий масалалар муҳокама қилинади. Хореография таълим тизимида компетентликка асосланган ёндашувнинг ўрни, рақс ижрочилиги ва педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг замонавий педагогик-технологик асослари ёритиб берилади. Шу билан бирга, бўлажак мутахассисларнинг назарий тайёргарлиги, амалий кўникмалари, креатив фикрлаши, педагогик компетенцияси ва ахборот технологияларидан фойдалана олиш қобилияти орқали самарадорлик мезонлари илмий асосда таҳлил этилган. Мақола натижалари хореография таълими сифатини ошириш, рақс мактаблари хусусиятларини чуқур ўрганиш ва рақс педагогикасида инновацион ёндашувларни жорий этишда амалий аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *педагог, хореограф, касбий лаёқат, таълим, маҳорат, тарбия, компетенция, касбий фаолият, хореография, касбий компетентлик, технология, ижрочилик маҳорат, креативлик.*

ANNOTATION: *This article discusses the theoretical and practical aspects of developing professional competence in future choreographers and assessing its effectiveness. It highlights the role of a competency-based approach in choreography education, as well as the modern pedagogical and technological foundations for enhancing dance performance skills and pedagogical mastery. The study scientifically analyzes the criteria of effectiveness through the theoretical preparation, practical skills, creative thinking, pedagogical competence, and digital literacy of future specialists. The findings of the article have practical significance for improving the quality of choreography education, studying the characteristics of national and modern dance schools, and introducing innovative approaches in dance pedagogy.*

Keywords: *pedagogue, choreographer, professional competence, education, skills, creativity, performance, choreography, pedagogical competence, professional activity, technology.*

АННОТАЦИЯ: *В данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты формирования профессиональной компетентности будущих хореографов и оценки её эффективности. Освещается роль компетентностного подхода в системе хореографического образования, а также современные педагогические и технологические основы развития исполнительского мастерства и педагогических навыков. Научно анализируются критерии эффективности через уровень теоретической подготовки, практических умений, креативного мышления,*



педагогической компетентности и способности будущих специалистов эффективно использовать информационные технологии. Результаты статьи имеют практическую значимость для повышения качества хореографического образования, глубокого изучения особенностей национальных и современных школ танца и внедрения инновационных подходов в танцевальную педагогику.

Ключевые слова: педагог, хореограф, профессиональная компетентность, компетенция, профессиональные навыки, образование, мастерство, исполнительство, креативность, педагогические технологии, профессиональная деятельность, хореография.

Кириш. Педагог-тарбиячиларнинг ўзига замон талабига мос равишда билим берилиши, уларнинг маълумотини ошириш, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалалар мавжуддир. Таълим-тарбия тизимидаги асосий муаммо ҳам ана шунда. Педагог талабаларга замонавий билим беришини талаб қиламиз, бироқ, бундай талабга жавоб бериш учун мураббийнинг ўзи энг аввало ана шундай билимга эга бўлиши керак.

“Бироқ, ҳозирги замон хореография тизимида аксарият педагог-хореографлар таянадиган умумий тенденция сифатида инновация ва интеграция тамойилларини санаб ўтишимиз мумкин. “Хореограф маҳорати” деган ўқув-қўлланмасида Бурцева Галина Вячеславовна шундай дейди: “педагогик тамойиллардан бири бўлган инновацийлик бу хореограф-ташшаббускорларлар учун янги ходиса эмас. Аввалдан маълумки, “новаторлик” тушунчасининг асосий маъноси хореографик ижодда ижодий саҳналаштириш ва рақс ўйлаб топишнинг ўзгача ижодий малакасидан иборат бўлиб, хореографик англаш усуллари билан профессионал фаолият услубларини ўзгартириш ва қайта тузишни англатади. Профессинал фаолиятда хореограф мутахассиссининг бундай кўринишда намоён бўлиши ижтимоий-маданий малакасининг ошишига туртки бўлиб, хореографик санъатда ривожланиш ва ўсишни таъминлайди”¹⁴⁶.

Мақсад ва вазифалари. Соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни, етук кадрларни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, фидоийлигига ва тайёрлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишидаги бўлган муносабатига боғлиқдир.

Педагог жамиятнинг ижтимоий топшириғини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Бу эса ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва

¹⁴⁶ Бурцева, Г. В «Мастерство хореографа»: учеб.-практич. пособие. – Барнаул: изд-во Алт. Гос. Акад. Культуры и искусств, 2014. – С. 13.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



услугий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши, шунингдек, педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим¹⁴⁷.

Ўсиб келаётган ёш авлодни, келажак ёшларимизни, умидли кадрларни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиладиган, маъсулиятли, ички зиддиятли жараёнدير. Шундай экан, ўқитувчи, ўқувчи ва талабанинг шаклланиш жараёнини зўр хавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараённи бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва технологиясини ва профессионал педагогик маҳоратни эгаллай олади.

Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи аввал педагогика фанининг методологик асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятларини ва омилларини, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши даркор. Таълим тизимида меҳнат қиладиган педагогларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англамоқдалар¹⁴⁸.

Шу сабабли, улар ўз маҳоратларини узлуксиз оширишга, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларини ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интиломоқдалар. Аммо шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ўқув юртларида айрим педагоглар ўз педагогик маҳоратларини ошириб боришнинг аҳамиятини етарли даражада хис қилмайдилар, таълим тўғрисидаги қонуннинг, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг талабларини чуқурроқ ўрганишга қизикмайдилар. Ўқув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш, амалиёт билан боғланишига юзаки қарайдилар, ўқитилаётган ўқув фанларининг илмий ва ғоявий-тарбиявий бирлигини доимо эсда тутмайдилар. Бу эса улар кўлида таълим олаётган ўқувчи, талабаларнинг билим даражаси ва савиясининг етарли эмаслигига, ўқув дастурларини ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлмоқда.

Тахлилий методлар. Ёш кадрларни етиштиришда, узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин. Шундай экан, *ўқитувчилик катта санъатдир*. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинаккам мураббий бўлишга хаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур

¹⁴⁷ Н.Ғайбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматкулова, Қ.Тошмуродова. “Педагогика”-2000й. Тошкент.

¹⁴⁸ Н.Ғайбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматкулова, Қ.Тошмуродова. “Педагогика”-2000й. Тошкент.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира борувчи, мустақиллик ғояси ва мафкураси билан пухта қуроллантирган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша олади.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсулидир. Бу кўп қиррали педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнат жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Услубий компетенция, бир томондан, хореографнинг ўқувчи-талабаларга рақс санъатини ўргатиш қобилиятини, иккинчи томондан, ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятига бўлган эҳтиёж ва қобилиятни назарда тутаяди деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Шундай қилиб, хореограф-педагог талаба олдида ўқитувчи сифатидаги услубий компетенцияси - бу билимларни (психологик-педагогик, умумтаълим, махсус фанлар), кўникмаларни (касбий педагогик, махсус, ўз-ўзини тарбиялаш), ижодий педагогик фаолият кўникмаларини синтез қилишидир. Педагог талабаларни ўқитиш учун ўз технологиясини лойиҳалаш, ўқув жараёнининг мантикийлигини лойиҳалаш, пайдо бўлган қийинчилик ва муаммоларни ҳал қилиши, хореографик таълим соҳасидаги педагогик муаммоларни мустақил ва мобил ҳал қилиш усуллари, ғояларни шакллантириш, ностандарт фикрлаши мақсадга мувофиқдир. Бу компетенцияга педагогик кадрларни англаш, педагогик жараёни лойиҳалаштириш, педагогик фаолиятдаги тадқиқотга кадрлар муносабати; кадрлар педагогик тафаккурни амалга ошириш воситаси сифатида; педагогик мулоқот ва хулқ-атвор, педагогик технологиялар; касбий фаолиятнинг инновацион таркибий қисмларини қабул қилиш ва тушуниш қиради. Шунингдек, у ўқув ва педагогик муаммоларни ҳал қилиш технологиялари ҳақидаги билимларни ўз ичига олади: педагогик технология, унинг моҳияти, таркибий қисмлари; педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва лойиҳалаш учун талаблар; педагогик мулоқот ва хулқ-атвор нормалари.

Шуни таъкидлаш керакки, педагог ўқитиш жараёнини маҳсулдор (репродуктив) доирада ушлаб турувчи “қатъий” таққосланувчи ўқув мақсадлари ёки изланувчан ўқитиш хусусиятига эга мавҳумроқ ўқув мақсадларидан бирини танлашга мажбур. М.В. Клариннинг (1989) таъкидлашича, ижодий хусусиятга эга бўлган таълим мақсадларини танлаганимизда унинг белгиларини (ўқитишнинг муайян натижаларини) ҳолис ифодалаш қийинлашади. Маданияти, ижодий фикрлаши ва сезгирлик даражаси боғлиқ ҳолда талабанинг баҳоси экспертаникига яқин бўлади. Шунинг учун ўқув мақсадларига қўйилган “қатъий” талаблар бир оз “юмшатилиб”, ижодий кўринишга эга бўлган мақсадларни таърифлашда маълум бир даражада ноаниқликка йўл қўйиш керак бўлади.

Бундай ҳолларда Б.Блум таксономиясига асосан умумий мақсадлардан фойдаланиш мумкин. "Таксономия" тушунчаси нарсаларнинг табиий боғлиқлиги ва



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



хосиятларига кўра кўпбосқичли (иерархик) тузилиши асосида тавсифлаш ва тизимлаштиришни англатади. Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси дунёдаги энг кўп тарқалганлардандир. Унда:

1.Билиш. 2.Тушуниш. 3.Услуглар, қоидалар ва умумий тушунчаларни қўллаш. 4.Таҳлил. 5. Синтез. 6.Баҳолаш.

Билишда педагог аниқ маълумотларни, далиллар асосида билиши, қайта тиклашни, эслашни билиши, баҳолашни, тавсифлашни, назарияни билиши назарда тутилган. Педагог эгаллаган билимларини эслаб, уларни билган ҳолда етказа олишни билиши мумкин бўлади.

Тушунишда эса, билимни назарий ҳолатдан оғзаки ҳолда тушунтириш, баён қилиш, талабалар билан ўзаро мушоҳада қилиш, уларга олган билимларини тушунтириб беришга имкон бериш тушунилади. Бунда креатив ёндашиш, янги ўқитиш услубларини қўллаш талабалар билан педагог ўртасидаги муносабатини яқинлаштиради.

Учинчи услуб бўйича қоидалар, тушунчалар,тамойилларни, услубларни қўллаб тушунишдан ҳам юқорироқ натижаларга эришиш мумкин.Ушбу босқичда педагог талабалар билан турли иновацион технологиялардан, психологик тренинглардан, кластер усулларидан фойдаланиши мумкин.

Таҳлил қилиш босқичи хореограф педагогнинг ўқитиш услубларидаги дарс жараёнларини, мисол учун сахналаштирилган рақсларни, қўйиладиган, ўргатилган рақс харакатларни таҳлил қилиб кенгроқ тушуниш, англаш имконини беради. Шу билан бирга талабалар ўзларининг индивидуаллик хусусиятларини намоён қила олишлари, ҳамда олган билимларини таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Барча олинган, тушунилган, қўлланилган, таҳлил қилинган билим ва услублар синтез қилиниб бир бутун шаклга келтирилади. Бунда охириги ҳулоса самарали бўлиши бажарилган ишларнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ижодийлик ва назарий билимлар синтез қилинади.

Ва ниҳоят баҳолаш босқичида ҳулосага қараб, талабаларга берилган билимларнинг қай даражадалигига қараб амалга оширилади. Албатта, бу энг аввало педагогнинг маҳорати ва лаёқатидан келиб чиқиб бўлади. Билимларни ўргатувчи ўқитувчи талабага қўядиган баҳоси ўзининг талабабаларга қилган меҳнати ва билимига берилган баҳоси бўлади.

Шундан келиб чиқиб Блум таксономиясидан унумли фойдаланиш таълим сифатини оширишда педагог -хореографларга қўл келади деган умиддамиз.

Хулоса ва таклифлар. Педагог-хореографнинг етуклиги унинг педагогик жараённи тўғри ташкиллаштира олишига, барча амалларнинг чинаккам баҳосини



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



объектив билиши ва таҳлил қила олиши, қўйилган барча вазифаларни рационал тарзда ечимини топа олишида намоён бўлади.¹⁴⁹

Педагог-хореографнинг компетентлик самараси бўлишига биз педагогнинг профессиограммасини таклиф қилмоқчимиз.

Шу профессиограмма ёрдамида педагог-хореограф ўзининг касбий ва шахсий фазилатлари устида ишласа, кунт қилса талабалар билан ўрнатиладиган мулоқот энгил кечиши, аудитория олдида хурмат-эътиборга сазовор бўлиши, мақоми ортиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ушбу профессиограмма педагог-хореографнинг касбий компетентлигига самарали натижа келтириши мумкин.

Бўлажак педагогнинг профессиограммаси

Касбий фазилатлар	Шахсий фазилатлар
Билимдонлик	Меҳрибонлик
Талабчанлик	Камтарлик
Касбга эътиқодлилиқ	Қувноқлик
Адолатлилиқ	Ўзгага хурмат
Вазминлик, сабр-тоқатлилиқ	Адолатлилиқ
Педагогик назокат	Изланувчанлик
Кузатувчанлик, зийраклик	Дадиллик
Нутқ маданияти	Қатъийлик
Амалий психологик ақл	Эътиборлилиқ
Ораторлик	Меҳнатсеварлик
Ижодкорлик	Самимийлик
Тарбиявийлик	Мулоқотчанлик
Ташаббускорлик	Ўрнатилган
Тартиблилиқ	Покизалиқ
Ташкилотчилиқ	Талабаларни севиш
Равон нутқли	Кузатувчанлик
Креативлик	Интизомли
Маҳоратли, лаёқатлилиқ	

Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи талабалар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр олишув, самимий муносабат, хурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насихатгўйликдан иборат бўлган, расмиёт учун юзаки ўтказиладиган дарс маъруза ва бошқа ўқув машғулоти ўқувчи талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий, ғоявий жихатдан озиқлантирмайди. Шундай экан, ўқув машғулоти шундай ташкиллаштириш керакки, уларнинг таъсирида

¹⁴⁹ Мельникова.Е.П.-“ Требования к педагогической деятельности педагога -хореографа на современном этапе образования в высших учебных заведениях культуры и искусства”. Москва.2019г





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



талабаларда шу фанга ва ўз мутахассисликларига нисбатан турли янги қарашлар, ғоялар, илмий тафаккур ва билимлар вужудга келиши ва шаклланиши даркор.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши, ававло ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрўсига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Педагогик фаолият самараси ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шакланганлигига ҳам боғлиқдир. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади деб таъкидлайди профессор М.Очилов ҳамда ўқитувчи қобилиятининг куйидаги турларини тавсия этади. Жумладан, билиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, обрў ортира олиш қобилияти, муомала қила олиш қобилияти кабилар.

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шакланмайди. Бу касбни танлаган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда бўлаётган воқеликни тез ангаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчали зарурлигини чуқур хис қилиши зарур. Педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доираси кенг бўлиши зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки, кишида билим, фикр мукамал бўлмаса, у камолотга эриша олмайди. Шунинг учун педагогик маҳорат соҳиби бўлишга интилган киши шубҳасиз, ўз билимини доимо кенгайтириши ўқувчи-талабага маънавий-ахлоқий ғоя ва фикрларни янгилаб бориши лозим. Бунинг учун кўп ўқиши, ўрганиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бурцева, Г. В «Мастерство хореографа»: учеб.-практич. пособие. – Барнаул: изд-во Алт. Гос. Акад. Культуры и искусств, 2014. – С. 13.
2. Н.Ғайбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматқулова, Қ.Тошмуродова. “Педагогика”-2000й. Тошкент.
3. Мельникова.Е.П.-“ Требования к педагогической деятельности педагога-хореографа на современном этапе образования в высших учебных заведениях культуры и искусства”. Москва.2019г